

ТОШКЕНТ

Оқшом

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1988 йил 10 майдан чиқа бошлаган.

№ 106 (6.595)

1988 йил 10 май, сешанба

Баҳоси 3 тийин

КПСС Марказий Комитетидан учрашув

7 май кунин КПСС Марказий Комитетидан оммавий ахборот воситалари, идеология муассасалари ва ижодий соҳаларнинг раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди. Бўлажак XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев очди.

Фикрлашувда «Советский Союз» журналининг бош редактори Н. М. Грибачев, «Наш современник» журналининг бош редактори С. В. Вилулов, «Новый мир» журналининг бош редактори С. П. Залогин, «Правда» газетасининг бош редактори В. Г. Афанасьев, «Октябрь» журналининг бош редактори А. А. Афанасьев, «Известия» газетасининг бош редактори И. Д. Лаптев, «Знамя» журналининг бош редактори Г. Я. Бахланов, «Новости» матбуот агентлиги раҳбарининг раиси В. М. Фалин, СССР Театр арбоблари союзи раҳбарининг раиси К. Ю. Лавров, СССР Нахшрият, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг раиси М. Ф. Ненашев, «Комсомольская правда» газетасининг бош редактори Г. Н. Селезнев, Бутуниттифоқ Музика жамияти раҳбарининг раиси И. К. Архипова, СССР Ёзувчилар союзи раҳбарининг раиси В. В. Карпов, «Театр» журналининг бош редактори А. Д. Салинский ўртоқлар иштирок этдилар.

Демократия ва ошқораликни янада ривожлантиришда, ижтимоий турмушнинг социализмга ёт ҳодисалардан тозалашда матбуотнинг роли кучайиб бораётганлиги қайд этиб ўтилди. XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси арасида оммавий ахборот ва пропаганда воситалари турмушимизнинг барча томонларини янгилашда яна ҳам зўр гайрат билан ёрдам беришлари, қайта қуриш давомида юзага келаётган барча илгор нарсаларни қўллаб-қувватлашлари, тўпланган илгор тажрибани умумлаштириб, пропаганда қилишлари керак.

Учрашув сўнггида М. С. Горбачев нутқ сўзлади. Учрашувда Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. П. Иванов, Н. Н. Слюньков, А. Н. Яковлев, В. И. Долгих, Г. П. Разумовский, О. Д. Бахланов, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, А. И. Лукьянов, В. А. Медведев ўртоқлар қатнашдилар.

Учрашув тўғрисидаги муфассал ҳисобот эълон қилинди. (ТАСС).

Коммунистлар анжумани шарафига

Юксак аҳдга яраша

○ Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига сановат корхоналари коллективлари ўзаро социалистик мусобақани кенг тус олдирмоқдалар. Собир Раҳимов райони меҳнат коллективлари шу йилнинг дастлабки кварталда харидоригр сановат маҳсулотлари тайёрлаш бораида муайян даражада ўсиш суръатига эришган эдилар. Улар ютуқларини мустаҳкамлашга интилоқдалар.

Айниқса, чинни заводи, бош кийимлар фабрикаси, экскаватор ремонт заводи ва бошқа корхоналар коллективлари йил бошидан оқтириб чиқилди. Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига районда 140 нафарга яқин ишчи, 10 дан ортиқ бригада коллективлари коммунистлар анжумани очилган кунгача беш йилликнинг уч йиллик планини бажариш учун астойдил меҳнат қилипти.

Районда ўз зиммасига янги социалистик мажбурият олиб, уни муваффақиятли адо этишга интилаётган ишлаб чиқариш илгорлари сафи кенгайиб бормоқда.

Маҳсулот тури кўпаймоқда

○ Шаҳримиздаги чарм-галантерей ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари орасида Бутуниттифоқ XIX партия конференциясининг ўн иккинчи беш йилликнинг уч йиллик план-топшириқларини бажариш билан қўшиб олиш ташаббускорлари сафи ортиб бормоқда.

Коллектив маҳсулот тайёрлаш ҳамжони кўпайтириш билан бирга унинг ассортиментини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқда.

Сўнгги йилларда бирлашмада тўрт юздан ортиқ янги маҳсулот моделлари ишлаб чиқилди. Ҳозир бу ерда 250 хилдан ортиқ маҳсулот тайёрланмоқда. Бу буюмларнинг 95 проценти «Янгилан» индекси билан чиқарилаётган.

Сменаларуру социалистик мусобақадан Д. Каримова бошчилик қилаётган коллектив ғолиблик қилмоқда. Ҳозирги кунда бригада аъзоларининг бутун диққат эътибори коммунистлар анжуманини муносиб меҳнат галабалари билан қўшиб олишга қаратилган.

Графикдан ўзиб

○ «Главташкентстрой»нинг 4-трестига қарашли 38 қурилиш бошқармасининг Г. Кайсин бошчилик қилаётган бригада коллектив «Бутуниттифоқ XIX партия конференциясининг муносиб меҳнат зафарлари билан қўшиб олиш» шiori остида меҳнат қилмоқда.

Бунёдкорлар шу кунларда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли химия институтини лаборатория корпуси қурилишида самарали ишлашяпти. Апрель ойи план-топшириқларини муддатидан илгари адо этган коллектив графикдан икки фўртга ўзиб меҳнат қилмоқда.

Коллектив пудрати асосида ишлаётган бригада аъзолари ой сайин самарали ютуқларини қўлга кириштириб янги метод афзалликларини амалда исботлашмоқда. В. Удодов, М. Славин, Н. Кондаков сингари пешқадамлар аса смена топшириқларини бир ярим—икки ҳисса ортиги билан адо этиб ўз ҳамкасбларига ўрнак кўрсатишмоқда.

ЗАМОНДОШИМИЗ

Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига делегатликка номзодлар



Ишонч ва масъулият

СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Зикр Муҳаммаджоновнинг номи санъат иҳлосмандлари орасида маълум ва машҳурдир. Айниқса, у яратган донхуимиз Владимир Ильич Ленин, биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов образлари маданиятимиз тарихига ёрқин саҳифа бўлиб қўшилган.

Зикр Муҳаммаджонов ижро этган ролялар ўзига хос талқини билан ажралиб туради. Ҳамза номли Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театри партия ташкилоти йиғилишида айнан шу ҳақда сўз борди. Сўзга чиққан нотичлар актёрнинг ижод йўли, ҳаёти ҳақида дил сўзларини айтишди.

Санъат Девонов, театр директори, Ўзбекистон ССР халқ артисти:

— Мен Зикр акадаги санъатга бўлган фидойилигини, айниқса, қадрлайман. У киши учун ролянинг катта-кичиги йўқ. У киши маҳоратли актёр бўлиши билан бирга ҳавас қилса арангулик оила бошлиғи ҳамдир. Унинг фарзандлари олий маълумотли, ҳаётда ўз ўринини тошган. Бу ҳам Зикр аканинг қандай инсон эканлигини айтиб турибди.

Латиф Файзиев, театр бош режиссёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти:

— Зикр Муҳаммаджонов энг аввало инсон. Унинг бир нафас тиниб-тиниб ўтиганини билмайман. Жамоат ишларида ҳамини бош-қош. Айниқса, ёш етмишга бориб қолган бир пайтда ҳам қатъий интизомли эканлигини алоҳида қайд этгим келади.

Саъдихон Табибуллаев, Ўзбекистон ССР халқ артисти:

— Ҳамза театримизнинг ўзига хос, ҳеч бир театрдаги га ўхшамаган Ленинномаси бор. Агар сахнада дохий образини энг биринчи мен ижро этган бўлсам, сўнгги йилларда Зикр Муҳаммаджонов В. И. Ленин образини яратди. Шубҳасиз, у Ленинномасига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Сайёра Юнусова, актриса:

— Зикр аканинг барча ҳислатларини санаб ўтишимиз. Таъбир жоиз бўлса, у киши меҳрибон мураббий ҳамдир. У кишининг сабоғидан, ўғитидан баҳраманда бўлмаган ёш актёрларимиз топиламаса керак.

Бошқа сўзга чиққанлар ҳам Зикр Муҳаммаджонов ҳақида илқ фикрлар билдирди. Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан уни Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига делегатликка номзод этиб кўрсатишди.

Масъулиятини чин юракдан ҳис этган инсонлар — улар ҳоҳ ижодкор бўлсин, ҳоҳ санъаткор, ҳоҳ олим бўлсин, коллектив ишончига, эл муҳаббатига сазовор бўлади. Зикр Муҳаммаджонов ана шундай бахтга мушарраф бўлган санъаткордир.

Т. НҲЛДОШЕВ.

СУРАТДА: СССР халқ артисти Зикр Муҳаммаджонов, С. Маҳкамов фотоси.

Ўзбекистон Компартияси Тўшкент шаҳар комитети бюросида

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида Тошкент алоқа электротехника институтининг олий мактабни, ректоратининг олий мактабни қайта қуришни таъминлашга доир ишлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Институтда таълимнинг форма ва методларини янгилаш бораида муайян ишлар қилинаётганлиги, чоратадбирлар амалга оширилаётганлиги қарамай, бу ишлар олий мактабни қайта қуриш талабларига, КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль Пленумининг қарорларига ҳали тўлиқ мос келмаётганлиги қайд этиб ўтилди. Студентларнинг учдан бир қисми жорий имтиҳонларини қўниқари баҳолашга топиришмоқда, уларнинг аттиги 5 проценти институтини имтиҳон таъминламоқда. Рус тилини ўрганишга доир ишлар сўст йўлга қўйилган, бу аса фундаментал ва махсус фанларни ўзлаштиришга халаит қилмоқда.

Институтнинг умумий таълим кафедралари юқори маалаки кадрлар билан етарлича мустаҳкамланмаган. Илженерлик графикаси рус тили ва чет тиллари кафедраларида илмий даражага эга бўлган муаллимлар сони 7 процентдан 25 процентга қадарни ташкил этади. Партия комитети, ректорат олий илмий маалаки кадрлар тайёрлашни эътиборсиз қолдирган. Фақ казидатларни соя 39 проценти, фан докторлари аса бор-йўли 2 проценти ташкил этади.

Диплом лоийҳалари амалда дуруст рўбга чиқарила-

ётгани йўқ. 1987 йилда ишлаб чиқариш учун қимматли деб эътироф этилган 328 та диплом ишидан аттиги 10 таси корхоналарда жорий этилган. Кейинги икки йил ичида ишлаб чиқаришда кафедраларнинг фақат иккита филиали ташкил этилган. Институтда ўтган йили илм-фанга сарфланган ҳар бир сўмдан олган иқтисодий самара бор-йўли 80 тийинни ташкил этади.

Тошкент алоқа электротехника институтининг партия ташкилоти ва раҳбариятининг фаолиятини қаттиқ назорат остига олиш топширилди. Таълим-тарбия жараёнини қайта қуришда, юқори маалаки мутахассислар тайёрлашда зарур амалий ёрдам берилсин.

Бюро кооператив фаолият формаларини ривожлантиришга оид партия ва ҳукумат қарорларини бажаришда етарлича иш олиб борилаётганлиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилиб, кооператив меҳнат формаларини ривожлантириш учун шайхардаги мавжуд имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланилаётганлигини қайд этиб ўтди.

Кооперативлар ишлаб чиқараётган халқ истеъмол моллари ва улар кўрсатётган хизматлар умумий оватқатлини соҳасидаги ўз маҳсулотини умумий оборотининг 1 проценти, маъиший хизмат аса-секин ҳамининг 3,2 проценти, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш жамийнати ҳамининг 0,01 проценти ташкил этмоқда ва аҳолининг талаб эҳтиёжларини қондиришга сезиларли таъсир ўтказмаляпти.

Уй-жойларни ремонт қилиш, чорбоғ участкаларини ободонлаштириш, болаларни ва кексаларни парварши қилишда ёрдам бериш кооперативларини сенкилик билан ташкил этилмоқда, ваҳолакин, хизматини маъна шу турларига талаб жуда каттадир. Умумий оватқатлини кооперативлар асосан таъсир, қиммат турадиган гўшти, таомларни тайёрлашга иштирослашмоқда ва аҳолининг

тез, сифатли ва мабул нархда оватқатлини ташкил қилиш масалаларини амалда қал этмайди. Рўйхатга олган кооперативларнинг анчагинаси ҳали иш бошлагани йўқ. Уй-жойларни қуриб берувчи кооперативларни ташкил этиш бораидаги ишлар қоникарли эмас.

Кўпгина сановат корхоналарининг раҳбарлари партия ташкилотларининг контрол қилинаётганлигидан фойдаланиб, ишлаб чиқариш чикитларидан халқ истеъмол моллари тайёрлайдиган кооперативларни тузишга амалда киришганлари йўқ.

Кооперативларни ташкил этишда ва уларнинг фаолиятида қонун-қондаларнинг қўпол равишда бузилишига йўл қўйилмоқда. Бир қанча кооперативларга фонд учун қатъиян ажратилган хом ашё ва материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари бериб юборилмоқда. Киров, Куйбисев ҳамда бошқа район ижроия комитетлари баъзи кооперативларга капитал бую ва ишноотларни бериб қўймоқдалар.

Кўпгина умумий оватқатлини кооперативларда давлат савдосидан чакана нархларда харид қилинган кўпгина маҳсулотлар 300 процентга остама нарх билан чайқош баҳолашдан сотилмоқда. Кооперативлар фаолиятини ташкил этишда бошқа бир қанча жиддий камчиликлар қайд этиб ўтилди.

Бюро Тошкент шаҳар ижроия комитетидан шу йилнинг 1 июлига қадар товларлар ва хизматларга бўлган талаб-эҳтиёжлар қондирилмаётган фаолият соҳаларида кооперативларни ривожлантиришнинг конкрет истиқбол-

ли программасини ишлаб чиқилиш талаб қилди. Бунда ана шу кооперативлар давлат корхоналари тармогининг ўрнини олмасдан балки уларни тўлдирини лозимлиги алоҳида эътиборга олинсин. Район ижроия комитетлари ҳузурида кооперативлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи бўлимларни ташкил этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилсин. Ўн учинчи беш йиллик охирига бориб тўрар жойлар қурилишида улар кооперативларнинг ҳиссасини 2—3 баравар ошириш тақлиф этилди. Уй-жой кооперативларини ривожлантиришда ёшларнинг активлиги бутун чоралар билан қўллаб-қувватлансин.

Молия ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кооперативларнинг ҳўжалик фаолияти устидан контролни қучайтириш топширилди. Давлатни ва шаҳар аҳолисини алдаш, чайқовчилик қилиш, банк суддаларидан нотўғри фойдаланиш, даромадларни нотўғри тақсимлаш ҳолларига қарши қатъиян кураш олиб борилинсин.

Шаҳар партия комитети бюроси 1989 йилда Тошкент шаҳри халқ ҳўжалигини иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат плани лойиҳасини муҳокама қилди.

Бир қанча фикр-мулоҳаза ва тақлифлар айтилдики, ана шуларни эътиборга олиб, ижроия комитети 1989 йилда Тошкент шаҳри халқ ҳўжалигини иқтисодий ва социал ривожлантириш планининг тақдим этилган лойиҳасини бекаму-қўст ишлаб чиқилиш топширилди.

Шаҳар партия комитети бюроси шаҳар партия ташкилотининг фаолиятида доир бошқа баъзи масалаларни ҳам кўриб чиқди.

рининг фикрига кўра, бундай об-ҳаво ўзгартиришларга таъсирчан беморларнинг аксариятига нохуш реакция бермайди. Аммо ҳафтининг иккинчи ярмида об-ҳавонинг ўзгариши, ҳароратнинг пассив, ёнгирчилик бўлиши нохуш таъсир этиши мумкин.

Авалги ҳафталардагидек врачлар юракнинг ишемик хасталиги ва бош миёа томирларининг хасталиги бўлган беморларга алоҳида эътибор беришлари лозим. Асаб системаси, ўпка ва бугинлар, айниқса ревматоидли полиартрит хасталиги бўлган беморларнинг аҳоли оғирлашишини, оғрик ва касаллигини бошқа белгилар пайдо бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак.

Юракнинг томир хасталиклари бўлган бе-

морлар врачларнинг тавсияси билан профилактика мақсадида қон босимини муътадиллаштирувчи дори-дармонларни ва оғриқни қолдирувчи препаратларни қабул қилишлари лозим.

Бўғинлари ва периферик асаб системаси хасталеган беморлар тегишли комбинацияларда оғриқни қолдирувчи препаратларни истеъмол қилишлари зарур.

Об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан барча беморларга врачларнинг руҳсати билан активизацияни препаратлар тавсия этилади. Озиқ-овқат калориясини ҳисобга олган ҳолда оватқатлининг асосий қондаларига риоя қилиш, витаминларга бой маҳсулотларни истеъмол қилиш, ош тузи қабул қилишни чеклаш лозим.

○ Барселонадаги пойгада содир бўлган фожага натижада бир киши ўлган, уч киши ярадор бўлган. ЮПИ агентлигининг маълум қилишига кўра, пайдога, автомобиллардан бири трасадан чиқиб кетиб, катта теаликда томошқонлар оломонига бориб урилган.

○ Колумбиянинг ҳўкуматга қарши «Миллий озодлик армияси» ўтган ҳафтада гаров тариксидада қўлга олигани иккинчи журналистнинг озод қилди.

Ахборот агентликлари хабар қилишларига қараганда, уларнинг қўлида гаровдаги яна 13 киши, шу жумладан икки киши германлининг дипломат, икки швейцариялик бизнесмен ва Франция элчихонасининг матбуот атташеси қолмоқда.

○ Барселонадаги пойгада содир бўлган фожага натижада бир киши ўлган, уч киши ярадор бўлган. ЮПИ агентлигининг маълум қилишига кўра, пайдога, автомобиллардан бири трасадан чиқиб кетиб, катта теаликда томошқонлар оломонига бориб урилган.

ТОЗАЛОВЧИ СУВ КЎКАТЛАРИ

Энг оддий сув кўкатлари далавлардан сувга тушувчи захарли химикатлар атроф-муҳитга етказадиган зарарни камайтиришга имкон беради. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Микробиология институтининг ходимлари шуни исбот қилдилар. Улар ўзлари ишлаб чиққан методни Мирзақулдан ўзлаштирилган янги зонада синаб кўрдилар. Бир ҳужайрали сув кўкатлари таъсирида коллектор дренаж тармоғида пестицид моддаларининг парчаланиш жараёнида нисбатан саноат маъмуриятларидаги таъсирини исбот қилди.

Тажрибалилар роғор препараты билан булганган сувдан бошланди. Бу сув икки нолдан берилди: Биринчи хлорелла ва сценедесмус ўстирилди, сув кўкати бўлмаган иккинчиси контроль нол бўлиб хизмат қилди. Роғорнинг дастлабки, концентратияси бир литр сувда 1,8 миллиграмм эди. Орадан уч кун ўтгач тажриба новда у 30 баравардан зиёд камайиб кетди, контроль новда эса атиги учдан бир қисса камайди. Хафта охиридаги борганда биринчи новдаги пестицид миқдори хавфсиз даражага тушган бўлса, иккинчи новда у ҳамон санитария жиҳатидан фойдаланиш учун йўл қўйиш мумкин бўлган миқдордан ортиқ эди.

Сув кўкатлари интенсив ривожланиётган ва миқдори кўпайган пайтда новга роғор тушган вариантда яна каттароқ самара олиди. Шунда икки кундан кейинроқ унинг миқдори 100 баравар камайиб кетди. Контроль новда эса юксак концентрация ой мобайнида сақланиб қолди.

Биобарин препарат сув кўкатларига «қўчиб ўтади»ми? Лекин сув кўкатлари ҳам атроф-муҳит элементларидан бири ҳисобланади. Тажрибалиларнинг охирида ҳужайра массаси анализ қилинганда унда ҳатто препарат изи ҳам қолмаганди.

Олинган маълумотлар энг содда сув кўкатлари мураккаб структураларининг парчаланиш жараёнидаги кескин равишда тезлаштиришга қўйиб эканлигиндан далолат беради.

Эндилда ҳужайраликлар сув кўкатларидан тозаловчи сифатида фойдаланиш борасида конкрет тавсиялар бериши зарур.

ТИРИК ҲУЖАЙРА ТЎҒРИСИДА ЯНГИЛИК

Тирик ҳужайранинг тузилиши бугунги кунда ҳатто мактаб ўқувчисига ҳам маълумдир. Тирик организмнинг тадқиқотчилар неча айллодри ўрганган шу энг муҳим структура элементиди олимлар учун сир қолмагандек эди.


Аммо СССР Фан ва техника давлат комитети ҳузуридаги ИХТИРОЛАР ва кашфлар давлат комитетида яқинда СССР Фанлар академияси Ривожланиш биологияси институтига қилинган бир кашфийот рўйхати олинди. Унинг аълолари — СССР Фанлар академиясининг академиги Г. Георгиев, СССР Медицина фанлари академиясининг академикаси С. Дебов, И. Збарский ҳамда профессор Ю. Ченцовдир.

Ҳужайра мағзи нуклеин кислоталар билан ишқор тузидаги оқид модда — гистонлардан иборат, деб ҳисобланарди. Аммо олимлар унда бошқача табиатли оқид моддалар борлигини илк бор пайқашга муваффақ бўлдилар. Шу оқидлар ядро матриксини, яъни ядро қарасининг ўзини шаклландириш ҳаётида ҳужайранинг ҳаёт фаолиятига унинг бўлиниши билан боғлиқ жуда муҳим жараёни аниқлаш сари янги йўллар очиб беради.

Оқид моддаларнинг шу ролловчи вазифаларини ўрганиш рақ шипшлари, баъзи вирус касалликларининг, онколаштирувчи радиация вужудга келтириладиган шимакликларнинг табиатини аниқлаш сари янги йўллар очиб беради.

Бундан кейинги тадқиқотларнинг натижалари организмнинг ўсиши ва ривожланишига маълум йўналишда таъсир этиш муаммоларини ҳал этишга яқинлаштириш, медицина, қорачилик, ўсимликшунослик ва бошқа соҳаларда амалда қўланилиш йўлларини топишда ҳам ёрдам бериши мумкин.

(ТАСС).



Қизил майдонда

Қизил майдон, 1961.
Ез аланга уфуратир.
Қўққа парвоз қилар каптарлар
Оёғимиз остида.
Одамлар сукутда...
Хаво тоза, форум ва хушбўй.
(Василий Блаженний ҳайқирар
рангини қўшиқларини).
Уйқудаги Ленин
Қўзатмоқда мамлакатнинг маршини.
(У шу ерда, марҳамат, қаранг:
Мана у).
Тўрт қиррали тошлар... қадамлар...
Одамлар...
Юлдузлар чаманидан терган

Гулларин
Қўчоқлаб, парвоздан қайтди Гагарин.
(Титов ўпаётир аёллар, болаларни).
Қизил майдон, 1961.
Асрлар қаъридан юксалган
Кремль деворлари боқиб турар дол.
Горький
Болаларга ўз ҳаётидан сўйлар ҳикоя.
(Кремль парклариди
Музақиймов ва шарларини
Алмаштирар болалар).

Севинганлар роз сўйлашар
Улкан дарахлар соясида.
Жарангини ютиб турар бузуқ
Қўнғирок.
(Тўпларнинг оғзидан қанот қўчиб
Чинар каптарлар
«Ху-ху»лашар бамайлихотир).
Қизил майдон, 1961.
Бу кенг майдонга
Неча марта келганман,
Аламинин ичга ютиб, жим
Ардоқлаб увочқина қувончи,
Енгининг нақ марказида
Қанча турганман.
Ҳайқирганман «Тинчлик!» деб қизил
лаҳзада —

Қўчаларда, майдонларда,
паркларда.
Яна тақдор ҳайқираман:
«Тинчлик!»
Москвада,
Тошкентда,
Ўз юртимнинг ярадор бағрида туриб.
Русчадан
Самандар ВОХИДОВ
таржимаси.

Хуан Рамон ХИМЕНЕС,
Испания.

Бир кун

Бир кун қўнғил очиб шунчаки,
десам, менинг ёлғиз тилагим —
ёрим баҳор яшнаган чоғда
книиб юрса қўнғил қўлагини.
Пирпиратиб мовий кўзларини,
уйм-ла у боқди, ирганиб,
шу дам гўнча лабидан маънос,
табассуми кетди сирганиб.
Шундан буён май оқшомлари
бизни тақдир дуч келиб турар —
кўчасининг бошида у қиз
опшоқ қўйлак кийиб ўлтирар.

Ўша оқшом

Ўша оқшом, эрта тонг билан
кетажаман, деганим ҳамон,

хавотирли табассум қилди,
боқинилари сирли ва гирён.
— Нега? — деди хил довираб.
— Билсанг бу юрт кенгликлариди
гўё мен ҳам қолгум қовжираб
ҳўкм сурган сукунатидан.
— Нега? — қалбга ўт солар савол.
Юрагим ҳам қичқирмоққа шай.
Нўқдир ўзини оқламоққа ҳол,
хит қилди сўзлар топиладан.
— Қайн? — Бундан жуда олсига,
баланд жойга зулмат осмон
шундай жойга, токи юлдузлар
сукут сақлаб эзмасин мана.
Ўнинг кўзларига фарқ бўлди шу он,
ғафллат босган кенглик сукути
ва фаромуш тортган жамолни
сирли табассуми беркитди.

Русчадан
Ўктам МИРЗАЕВ
таржимаси.

Адабиёт-тақдир кўзгуси


Адабиёт ва санъат ҳозирги
дунё ва ҳаётнинг ўзини тақдир
қарога болган масалаларига
жавоб бериш керак.
Мени худди шунингдек олам
узга кўнчаки солиб турган
прогматизм ва оқуқлиқ билан
заҳарланган муаллақлик ҳам
ташвишлантирмоқда.
Езувчи сифатида мен ўз

давримнинг ҳалол гувоҳи бўлиш
инистайман. Мен ёзувчилик
ишнинг кишиларнинг оқид
томонини ўзига қўрсатиб бе-
риш деб биланман. Ўзимнинг
чўқур оғлаб ўтганимиздагина
қўндаланг турган муаммоларни
енгишга ўзимизда куч топа-
миз. Адабиёт бу тақдирлики
социал танқиди — билмадим,

лекин ёзганларим қанон бўли-
шнинг адабиётда тан олинмади
деб ўйланман. Ҳаётдаги бах-
тирликка жуда берилгим кел-
майдими, чунки бу бахтирлик
мени издан чиқарди, ватан-
дошларим ҳақида ҳамма вақт
рўй-рост, ҳақиқатини гапир-
шимга ҳамақат беради. Улар
эса ҳаммизга ўз қисматларини

ўзлари айтмоқчидайлар.
Ҳозир кичик ўтмишдаги ўт-
тиз йилни ўз ичига олган янги
роман ёзаялман. Роман ҳозир
яшаб турган кварталимиз Эр-
ми ҳақида, ўқувчилар кўз ол-
дидан ўтувчи, уларга таниш
турфа қарамонларини яратял-
ман.

Бахти кулган ўзга сайёралик



Уттиз йил аввал италиялик ҳайкалтарош Карло Рамбольди ўзи йўлаб топган гаройиб шаҳарча «Миллениум» учун бир нечта ўзи юрагидан ҳайкалчалар ясаган эди. Улардан бирини кинорежиссёр Федерико Феллини кўриб қилиб, ўзи суратга олаётган «Жульетта ва архоқдор» фильмига шунга ўхшаган ҳайкалча яратиб беришни илтимос қилди. Шундан бери Рамбольдининг «Болачанс 76» фильмида суратга тушди. Унинг кашфийотчи эса уч марта Америка киносанъати академиясининг мукофоти — «Оскар»га сазовор бўлди. Уларнинг энг қадрлики «Ўзга сайёралик» фильми учун берилган совриндир. Рамбольдининг ўзи ҳам ўзга сайёраликнинг ўзининг энг яхши иши деб тан олади.
Бир қарашда сап-пал қўрқинчи кўринадиган ўзга сайёралик болаларча олжанолиб, қизикувчанлик ва катталарга хос доноликнинг тилмоланди.
Режиссёр Стивен Спилберг ва ҳайкалтарош Карло Рамбольдининг фильми ўз вақтида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар фонди ЮНИСЕФнинг мукофоти билан ҳам тақдирланган. Ҳатто катта ёшдаги томошбинлар ҳам ўзга сайёраликнинг ҳаётида бор маълумот деб ҳисоблашганди. Болалар учун эса у энг семали йўналиш бўлиб қолди.
СУРАТДА: Карло Рамбольди ва ўзга сайёралик.

Ишдан ҳайдалсанг, ҳаётинг оғирлашади.
Аммо ундан қийинроғи қизикувчан дўстларинг
ва танишларинг нима учун ишдан ҳайдал-
ганиниги тушутириш.
Бу гал қандай воқеа рўй берганини ҳикоя
қилмоқчи эмасман. Бирок, одатда мен бир-
дан кимдир ёрдам қўлини чўзар деган умида-
да, баъзан эса шунчаки юрагимни бўша-
тиш учун дўстларимга ўз тавишларини айт-
ман. Бунга жавобан улар мени ҳаттиқ савол-
га тутишади, қўндаланг қўндаланг аниқ-
лашга ҳаракат қилишади, кейин эса бутун
бағисизлигимга ўзини айбдор бўлиб чиқаман.
Бир кун йўлда ҳайдаёт ботиб борадими.
Тўсатдан кимдир алкамдан ўшади. Усмон Ка-
мол... У мен билан ёнма-ён шодон одимлай
бўлашди. Аммо менинг эзилган вужудимни
кўриб, китрикларини пирпиратди, худди юзи-
га ниқоб тортиб олгандай бўлди.
— Тушунаман... — деди у тўтилиб.
Демак, у ишдан ҳайдалганимни биларкан.
Энди ундан қўндаланган. Ҳозир ҳаммасига
ўзим айбдорлигимни исботлаш учун тириша-
ди.

Юзиди хуноблик кўзлариди шодликка
сирга мос тушмасди. Мен ўзимни унинг «Тушу-
наман...»ига тушунаётган қилиб кўрсатиб
сўрадим:
— Нима бўлди? Бошингга бирор тавиш
тушдими?
— Мен тинчман, аммо эшитишимча, сен та-
гин беиш қолбасанми?
Қаҳвахонага кирдик.
— Қани, нима бўлди, гапир-чи... — қаҳва
қўйлаб туриб талоб қилди у.
— Ҳўжайин ишдан қувиб юборди...
— Нимага?
— Мен қаердан билман. Ўзидан сўра-
— Ишга кечикувдингми?
— Йўқ, ҳар доим вақтида борганман.
— Топшириқини бажармайдингми?
— Йўқ... у мендан мавжун эди.
— Эҳтимол, ҳўжайиннинг иши пачавадир?
— Кроссворд очётгандай тасвир қилди у.
— Аксинча, иш тушунарли. Айтадими, са-
— Гап қайтармаганидингми?

— Йўқ... Доим лаббай деб турардим.
Анча вақт шунга ўхшаш саволлар берилди.
— Нима учун сени ишдан қувдигани-а?
Балки унинг юзига ҳозир менга қаратгандай
қарб билан қарагандирсан?
— Билмадим... Балки қарагандирман.
— Аҳ-ҳа. Энди тушунарли. Айтадими, са-

баби бор деб. Бекордан бекорга одамни иш-
дан ҳайдашмайди! Ўзини айбдорсан. Худди
жонингни сугуриб олаётгандай юзига мана
шундай тикилган одамга чидаб бўладими!
Улай агар ўзинг айбдор!
Унинг кўнгли анча бўшади...
«Ҳайран» насия қилиб қаҳвахонадан чиқ-
дим. Ҳатто ҳўжайин ишдан ҳайдаганда ҳам
бунчалик эзилмадим.
Автобуста ўтирмоқчи бўлдим.
— Эшитган гапимизда ростми? — автобус
экинсидан кўтарилгани билан эшитган гапим
шў бўлди. Орқа ўриндиқда бошқа танишим
ўтирарди.
— Тўғри...
— Афсус... Нима учун?
— Билмайман.

У сирли жиноят ўстида бош қотирётган по-
лициячидай деди:
— Ваҳ-ваҳ! Одамни бесабаб ишдан ҳай-
дашмайди, бирор нарса бўлгандир-а...
— Нима бўлганда ҳам...
— Балки устидан чакув тушгандир?
— Йўқ...
— Еки ўринига билимдонроқ одам то-
пгандир?
— У доим ишимдан мамнулимни айтар-
ди.
— Эҳтимол, камроқ машога кўнадиган одам
топиладигандир?
— Унақиси йўқ.
— Унда нега ҳайдади? Балки унга кўрс га-
пиргандирсан?
— Қандай, қандай? Одатдагидай гаплашар-
дим...
— Ваҳ, энди тушунарли!
— Нимаси тушунарли!
— Ҳаммаси тушунарли... Ахир ҳўжайин би-
лан одатдагидай гаплашиб бўладими? Мутла-
қо... Уни сенсиргансан, у ҳафа бўлган...
Биринчи бекатдаёқ автобусдан тушиб қол-
дим. Шунчалик оғир аҳволда эдимки, шу то-
да кимгадир юрагимни бўшатмасам бўлмасди.
Эски қадрдонимнинг йўл олдим.
— Мени ишдан ҳайдашди, — дедим эшик-

дан кира солиб, — аммо сендан илтимос:
мендан ҳеч нима сўрама, сабабини ахтари-
ман...
Бу гапимдан кейин дўстимнинг юзига қи-
зикш пайдо бўлди:
— Демак, ишдан ҳайдалишингга жиддий
сабаб бор экан-а?
— Айтадими-ку сўрама, деб.
— Уни байрамларда табриқларининг
Ҳеч қачон ҳўжайиннинг бормасиди,
аммо дўстимга, чакитиш учун дедим:
— Албатта... Ҳар байрам, ҳар янги йилда,
умуман, ҳеч бир қулай шароитни бой бермай
уйига бориб табриқларим...
— Тушунарли... Ҳадеб боварверсанг ҳам...
— Йўқ, ҳадеб боварвермасанг...
— Қизик, бу ҳўжайиннинг асабига те-
димкин!

Азиз НЕСИН, Туркия.

Ўзинг айбдорсан!

Ҳикоя

— Аксинча... Мен унга ёқардим,
— Танин нима бўлиши мумкин! Ақлга си-
дирилмаман...
Менинг сабр қосам тўлиб ҳонада у ёқдан-
бу ёққа юра бошладим.
— Ботинкам гирчилламасмиди! — хитоб
қилди оғайним.
— Гирчилларди...
— Қачондан бери?
— Сотиб олганидан буён, беш ойдан бе-
ри гирчиллагани-гирчиллаган.
— Ишга шу ботинкада борармидинг?
— Ҳа.
— Ваҳ-ваҳ... мен айтадими-ку, бекордан бе-
корга ишдан ҳайдашмасди!
Оғайним креслога ўрнашиб олиб маъруза
ўқий кетди:
— Ботинканинг эртадан кечгача гирчиллаши-
га ким тоқат қилади! Ҳўжайининг ҳақ... Ма-
на, дўстим, айбин нимада...
— Тўғри, аёйиб менда... — қичқирдим ғазаб-
ланиб, — айбдорман, айбдорман! Лекин шун-
дай қора кунда сендан бунини эшитгани кел-
ганим йўқ.
Эшикни шарақлатиб ёпиб ташқарига отил-
дим.
Уйга толганимча паромда Қадийега жўна-
дим.

— Нимага бунчалик ҳайла ботиб кетдинг?
— сўради бир нотаниш одам. — Балки бо-
шингга тавиш тушгандир?
— Йўқ, шундай ўзим, — дедим.
— Ҳафалигинг юзидан кўришиб турибди.
Айт-чи, Балки ардам бераманми?
— Ҳўжайин ишдан ҳайдаб юборди...
— Нимага?
— Билмайман.
— Эҳтимол, бирор айб қилгандирсан?
— Ботинкам гирчилларди... Шундан ҳўжа-
йиннинг жаҳли чиқди.
— Азимиз, нахотки ботинка гирчиллагани
учун ишдан ҳайдашса. Бу ерда бошқа сабаб
бор.
Мен нотаниш кишининг башарасига қараб
туриб, қулиб юбордим.
— Ҳа-а, сен ҳўжайинга қараб мана шунча
масхараолмуз кулгансан!
— Ҳа, ҳа, масхара қилиб кулгудим. Ҳўжа-
йин олдиға солиб кулгудим. Айбдор ўзим.
Энди тушундингми? Қўнғилнинг таскин топгани?
Мен шартта бурилиб унинг олдида кет-
дим.
Бир амаллаб уйга етиб келдим, кейин Иб-
роҳим келди. У жуда ҳафа эди. Ун кун ав-
вал унн ҳам ишдан ҳайдашган экан.
— Ваҳ-ваҳ... Нима учун ишдан ҳайдашди?
сўрадим ундан.
— Билмайман. Ўзинингича!
— Билмайман.
— Барбир сени бекорга ишдан ҳайдашма-
ган...
— Сени ҳам бекорга ҳайдашмаган... турли
баҳоналар билан тез-тез ишга чиқмасдинг.
— Ўзингича, касалман деб қўпинча саврақа
қўтариб юрардинг.
Биз бир-биримизни сўроққа тутга кетдик.
Сухбат пайтида Иброҳим тез-тез чўчираб йў-
талар, рўмолча билан буришни артарди.
— Нима бало, тумовмасан! — сўрадим ун-
дан.
— Доим шунақа. Сурункали тумовман.
Мен салтиб ўрнимдан туриб қўлимни паҳ-
са қилиб дедим:
— Сени нима учун ишдан ҳайдашгани ту-
шунарли...
— Тинмай буригини артагани артан, ун-
дан кейин ҳўжайиннинг безор бўлгани... Сен-
дайларин ишдан ҳайдаш керак!
Шундай дедма ўзимни енгил сеза бошла-
дим. Ҳатто қайфиятим кўтарилиб кетди. Худ-
ди қайтадан ишга кирганига ўхшардим.

Русчадан Ориф ФАРМОНОВ таржимаси.

Фадва ТУКОН,
Фаластин.

Озодлик

Халқимга — озодлик!
Менга озодлик беринг!
Ватаним бўлсин озод!
Утли туйғу, бор ғазаб билан,
Бу сўзларини айтайман такрор.

Ўт ичра қолсам ҳам,
Ўққа учиб ўлсам ҳам
Кишан тушса ҳам қўпимга,
Тун-кун шу сўз тилимда:
Халқимга — озодлик,
Менга озодлик беринг!
Ватаним бўлсин озод!
Менга жүр бўлар ирмоқ:
— Озодлик!
Жўр бўлар икки қирғоқ:
— Озодлик!
Шамоллар, довуллар ҳам
Емгир, момақалдириқ,
Ҳар бир шох бўлар ҳамдан,
Бутун борлиқ, ҳаммаёқ,
Бир дард билан ўртаниб
Садо беради ёниб:
— Озодлик!
— Озодлик!

Мен бу сўзин ёзаман
Далаларга, йўлларга,
Мен бу сўзин ёзаман,
Деворларга, уйлارга.
Ушбу галдиқда ва хор,
Ҳар бир қаринча ҳам,
Еримнинг қай бурчи бор,
Худди муқаддас қасам
Қаби кўман ёзиб,
Қамоқхона, қийноқхона
Ҳатто ўша дорларга.
Кенг, боғувор қўчалар,
Ва тор жинқўчаларга,
Сира-сира топласам
Қимирлаган бекорчи жон,
Ҳар бирининг бошида
Ушбу сўз бўлсин омон:
Ҳар қарич ер гулдарлар:
— Озодлик!
Акс-садо берсин
Янғиу йироқ:
— Озодлик!

Даҳшатда қолиб бутун,
Чекнаар охири тун.
Келур ўринга оппоқ,
Тонг куттирмасдан узоқ.
— Озодлик!
Шамоллар, довуллар ҳам,
Емгир, момақалдириқ,
Ҳар бир тош,
Ҳар битта том,
Уйғундир бир дард билан,
Тақрорлайди мен билан:
— Озодлик!
— Озодлик!

Русчадан
Темур УБАЙДУЛЛО
таржимаси.

Франциско Сиониль ХОСЕ,
Филиппин.



Ҳар йил баҳор фаслида бутун Ҳиндистон кўркем «Холи» байрамини нишонлаётганда, мўъажиза Барсана ва Иандлаи қишлоқларда айниқса кўп томошбинлар йиғилди. Уларнинг кўчилиши олдидан етиб келад, Деҳли ва Аграининг йирик меҳмонлари эса шу кунни ҳатто ана шу қишлоқларга махсус автобуслар рейсини ташкил этади.
Гал шундаки, «Холи» кунини фақат ана шу кичик қишлоқда одатдан ташқари урф-одат ижро этилади: йил мобайнида эркакларга тобе бўлиб келган хотин-қизлар «тўтириш» ясаб, уларни таёқлар билан «сийлашди» [суратда]. Эркакларга тан бериш керак, улар бунинг оқибати нимааларга олиб келишини яхши билишса ҳам, оқинларга тегажоллик қилиш-
ди, «азоб-ўқубат қадаҳини сўғити томончилигача сипқорш учун» барча уйларнинг эшикларини тақиллатиб чиқаришди. Аммо байрам тўс-тўполонидида нозик оқинлар ҳам беҳишёр кучли зарба беришларини яхши билган барча эркаклар эҳтиётдан шу кунни ёғоч қалқон билан ҳам қўроллашмади.

Экраннинг қудратли кучи

(XXР киноси ҳақида ўйлар)

«Сариқ ер», «Қувғандаги университет», «Тунги ёмғир» ва бошқа бир қатор Хитой фильмлари Ватанимиз пойтахти экранларида, шунингдек Ленинград, Киев ва Свердловск шаҳарларида на-
мойиш этилди. Хитойлик ки-
нематографиларнинг ушбу
киноленталариди ўтмишга қа-
ратилгандир. Совет киното-
мошбаниларига жами 20 та
картинани томоша қилдилар.
Фильмларнинг аксарияти
«маданий революция»дан
сўнг яратилган бўлиб, 1978
— 1985 йилларни қамраб
олади. Шундай фильмлар
ҳам борки, улар турли муко-
фотларга сазовор бўлиши би-
лан бирга охири йиллар-
нинг энг яхши кинокартина-
лари сифатида тан олинган.

Ҳозирда Хитой Халқ Рес-
публикасида йилга тахминан
130 бадий, 400 ҳужжатли,
350 илмий-оммабош ва 45
мультипликацион фильмлар
суратга олинмоқда. Мамла-
кат кинотеатрларига бир сут-
када 60 миллион киши та-
шар бўймоқда.

Этмишчилик йиллар охири-
лардан бери ХХРда юз бера-
ётган турли соҳалардаги ўз-
гаришлар кино санъатига
ҳам таъсир этмай қолмади.
Бугунги кунда унинг махсу-
лотли сезилари даражада
ранг-баранглиги билан акра-
либ туради, репертуари эса
борган сари мамлакатнинг
етилган масалалари билан
ҳамоҳангликда кўзга ташла-
наётир.

«Сариқ ер» фильми 1949
йил революцияси арафасида
Хитойнинг шимолида жой-
лашган чочоқ қишлоқлар-
нинг бирида бўлиб ўтган во-
қеа ҳақида. Руҳан ээилиш
қайфиятини юзига келтири-
ши эҳтимолли бўлган бу
фильм фақат ҳаётнинг қай-
гули томонларини ҳикоя қил-
ганлиги тўғрисида танқидга
учради. Айни вақтда, Хитой
матбуоти таъкидлаб ўтдики,
бундай фильмларнинг экранга
олиб чиқиши «Мадааний ре-
волюция»дан кейинги хитой

жамиятини демократлашти-
ришининг ифода этилиши деб
ҳисоблаш мумкин.

Хитой кўпгина мамлакат-
лар билан маданий алоқалар-
ни давом эттирмоқда. 1985
йилда, масалан, у 41 дав-
латга 254 та фильм экспор-
ти қилди. Жаҳон бозорига 450
картина сотишни ва 60 та
хорижий фильмларни сотиб
олишни планлаштирмоқда.

Совет Иттифоқи шаҳарла-
рида бўлиб ўтган Хитой
фильмлари фестивали мамла-
кат маданий ҳаётидаги му-
ҳим воқеа бўлиб қолди. Бу
анижумандан илгарироқ Хи-
тойд совет фильмлари на-
мойиш этилганди. Кинолен-
талар ХХР пойтахти, Гуанч-
жоу, Шанхай, Чанчуне, Си-
нае ҳамда Чэнду каби шаҳар-
ларда кўрсатилган эди. Хи-
тойд кинотомошбанилар
ҳозирда яратилаётган филь-
лар мавзун билан ҳам тани-
шишга мувоасс бўлдилар.
Ўйумладан, «Ленин Польша-
да», «Солдат отаси», «Ан-
дрей Рублёв», «Қизил бор-
сак», «Василий ва Васи-
лиса», «Олдий фашизм»,
«Тасқара» каби бадий ва
ҳужжатли ленталар киному-
хислар томонидан илиқ қар-
ши олинди.

«Олдий фашизм» фильми
Хитой ёшлари учун янгилик
бўлиб қолди. Мазкур лента
кўрсатилганда томошбани-
лардан бири ўринли тақли

